



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

**МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

БУХОРО – 2020

ДАСТУРИЙ ҚЎМИТА

1. О.Х. Хамидов – Университет ректори, раис;
2. О.С. Қахҳоров – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини;
3. М.И. Даминов – Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. А.М. Кадиров – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, аъзо;
5. С.Қ. Қахҳоров – Касаба уюшмаси қўмитаси раиси, аъзо;
6. Д.М. Жамолова – Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д, котиб;

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

1. О.С. Қахҳоров – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис;
2. О.Ҳ. Рахимов – Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, аъзо;
3. Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо;
4. А.Ҳ. Ҳамроев – БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, аъзо;
5. А.А. Икромов – БухДУ ҳузуридаги илмий Кенгашларнинг мувофиқлаштирувчи илмий котиби
6. Ф.Ф. Қосимов – Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси, аъзо
7. Н.Н. Зарипов – Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси, аъзо
8. Ж.Ю. Эргашев – Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, аъзо

Маъсул муҳаррир:

Б.Н.Наврўз-зода

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор

Такризчилар:

А.Б. Низомов

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор.

К.Б. Аҳмеджанов

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор.

Масалаларнинг ҳолисона ёритилганлиги, келтирилган далил ва илмий муомалага киритилган маълумотлар ишончлилиги бўйича масъулият муаллифлар зиммасидадир. Мақолаларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар конференция таҳрир хайъатининг нуқтаи-назари билан ҳамоҳанг бўлмаслиги мумкин.

Бухоро давлат университети кенгашининг 28.01.2020й навбатдан таиқари йиғилишида кўриб чиқилиб, наишрга тавсия этилган.

кийимлари, хужралардаги ўша давр ҳолати, мударрисларнинг кийими, талабаларнинг дарс жараёни, вақф мулкларининг тақсимланиши, мадрасани битирган талабаларни Арк майдонида имтиҳон қилиниши, шунингдек, мадрасалардаги шарт-шароитлари хақида С.Айний, А. Фитрат, Садр Зиё ва А.Донишларининг маълумотлари, жадиждларнинг мадраса тўғрисидаги фикрлари аниқ фактлар асосида 3D форматда сайёҳларга намойиш этилиши уларда ўша даврда сайёҳат қилгандек ўзини ҳис этиши биз чет элликларнинг Бухорога янада қизиқишларини ортиши туризмнинг ривожланишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ МУЗЕЙ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Болтаев Б.- БухДУ катта ўқитувчи.

Бахтиёров Б.- 2 курс талабаси

Ўзбекистонда музейлар жамиятнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий-маданий институт сифатида алоҳида ўрин тутди. Зеро, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишига ҳурмат ҳиссини сингдиришда музейларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Шу жиҳатдан “музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан “smart” - технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар, радио гид ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш”¹ бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар ўз навбатида илмий-назарий жиҳатдан музейшунослик ва музейлар тарихига доир тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Lex.uz.

тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда музей иши тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар, асосан, Н.Содиқованинг монографиясида ва бошқа илмий ишларида акс эттирилган. Ўзбекистонда музейларга бўлган эътиборнинг кучайганлиги, янги музейларнинг ташкил топиши, хорижий давлатлар билан маданий алоқаларни ўрнатишда музейлар ролининг ортиб бориши масалалари Р.В.Альмеев, Л.Левтеева, Д.Т.Курязова, Ш.М.Ўлжаева тадқиқотларида ўз ифодасини топган². Замоनावий жаҳон музейшунослиги ва унда Ўзбекистон музейларининг роли, музей педагогикаси масалалари Ж.Х.Исмоилова изланишларида акс этган. Шунингдек, Д.А.Курбонованинг илмий тадқиқотларида жаҳоннинг йирик музейлари тарихи, музейлардаги коммуникацион жараёнлар, музей маркетинги, у ерда Ўзбекистон тарихига оид ашёларнинг сақланиши, музейлараро ҳамкорликни ўрнатиш каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон музейларини замоनावий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш, экспонатларни музей сайтларига жойлаштириш ва улар орқали ёшларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, уларнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш борасида берилган вазифалар амалий ечимини топмоқда. Бундан ташқари илмий хулосаларнинг қўлланилиши замоनावий технологиялар орқали ёшларни тарихга, маданиятга бўлган қизиқишини кучайтиришга, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятларини тарғиб қилишга хизмат қилган.

Музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг кифасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замоनावий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўлларини бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади³.

Замоनावий музей ишини такомиллаштиришнинг энг асосий омилларидан бири бу – кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замоनावий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус дастур яратилиши ёки сотиб олинишидан иборатдир. Музей

²Садькова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975: Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом им. Гафура Гуляма, 2007. – 268с

³Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим / Ўзбекистон музейлари истоқболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.

ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлмиш музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши лозим⁴. Аммо ҳозирги кунда Бухоро давлат университетида ушбу соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилиш долзарб вазифалардан бўлиб келмоқда. Фақатгина 2018 йилдан бошлаб санъат факультетининг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси ҳузурида “Музейшунослик, тарихий маданий объектларни консерватция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш” йўналиши бўйича магистратура очилиб 5 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Демак, келажакда ушбу соҳа бўйича мавжуд бўлган муаммолар ўз ечимини топади деб ишонч ҳосил қилса бўлади.

Истиклол йилларида тарихий шаҳарлар янгича чирой очиб, замонавийлашиб бораётганлиги муносабати билан қадимий шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Натижада Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг чегаралари аниқ белгилаб қўйилди⁵. Бу Ўзбекистоннинг қадимги Шарқ ҳамда Ғарб цивилизацияларида тутган ўрнини ва жаҳон цивилизацияси ривожига кўрсатган таъсирини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда туризмни юксалтириш, уни хизматлар экспортининг асосий омилига айлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири – тармоқда инновацион жараёнларни кучайтиришдан иборат. Туризмнинг ривожланишига асос бўлаётган қадимий, тарихий мерос – очик осмон ости музейлари борасида инновацияларнинг ривожланиши тармоқдаги хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш, барча ресурслардан унумли фойдаланиш, туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш хизматлар сифатини кўтаришнинг асосий омили. Ҳозирги кунда мамлакатимизда туристик хизматлар бозорини имкониятлар даражасида кенгайтиришни тармоқда инновацион фаолиятни жадал ривожлантиришдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди⁶.

Ўзбекистонда туризмни инновацион асосда ривожлантириш, сайёҳларнинг тарихий шаҳарларга бўлган қизиқишини кучайтиришда виртуал намоишлар, мультимедик дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйиб борилмоқда. Соҳани ривожлантиришда айнан инновациялар билан боғлиқ бир қанча имкониятлар амалга ошаётгани Ўзбекистонда фаолият юритаётган туристик фирмаларнинг Интернет

⁴Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.

⁵Абдурахимов Б. Тарихий мерос – миллий истиклол мафқурасининг пойдевори // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.7.

⁶ Миралиева Ш. А. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истикболлари Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс...авт.-Т.: 2019.

саҳифасига⁷ тарихий шаҳарларимиз ҳақидаги маълумотлар киритилгани билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, сайёҳлик фақат маълум бир маданий объект ёки тарихий обидалар ҳисобига ривожланиб қолмайди, балки соҳа тараққиёти инфратузилмалар, шарт-шароит ва эътиборга ҳам бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани улкан салоҳиятга эга эканлигимиздан далолат беради.

БУХОРО ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ВИЛОЯТНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДАГИ РОЛИ

Ғайбуллоев Бахтишод.

ЎЗР ФА Санъатшунослик институти. Тошкент.

Бухоро вилоят мусиқали драма театри ўзининг шонли, тарихий ва такрорланмас ижоди билан Республика ва Марказий Осиёда маълум ва машҳур отахон театрлардан бири ҳисобланган. Театр ўзининг бетакрор ва оламшумул воқеаларга сабаб бўлган сахна асарлари, буюк режиссёрлари, такрорланмас образлар яратиб, халқ орасида севимли ва машҳур актёрларга эга. Бухоро театри тарихий, анъанавий, замонавий ва жаҳон мумтоз (классик) сахна асарлари билан театршунос, санъатшунос, журналистлар, театр мухлислари орасида кенг баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган.

Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги туман ва қишлоқлар қадим-қадимдан ҳунарманд уста, созанда, хонанда, мунаққид, кўғирчоқбоз, афсунгар, мухаммасхон, маталчи, гўянда, қиссахон, масҳарабоз ва раққослари билан эл орасида машҳур. Бу санъат турлари ҳозирги кунга қадар ўз анъанавийлигини ҳамда қадимийлигини асл ҳолича сақлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Қадим Бухорони биз нафақат “Ислом динининг қуввати”, балки айни пайтда миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб чашмаси сифатида ҳам яхши биламиз. Бу юртнинг фарзандлари бўлган Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Мухтор Ашрафий, давлатимиз мадҳияси мусиқасининг муаллифи бетакрор инсон Мутал Бурхонов, Саъдихон Табибуллаев, Лутфулла Нарзуллаев, Шариф Қаюмов, Саттор Ярашов каби санъатимиз дарғаларининг миллий маданиятимиз ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини

⁷<http://www.discoverer.uz>, <http://www.trevalstory.uz>, <http://www.asia-travel.uz>.

50.	Ҳайитов Ш.А. Бухоро шаҳрини инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари	194
51.	Ҳайдаров Ў.А. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инновацион ривожланишни такомиллаштириш йўллари	199
52.	Hamroyev K.Q. Таълим тизимини ислоҳ этишда инновацион таълимнинг ўрни	202
53.	Шамсиев А.М., Юсупов Ш.А., Давлатов С.С. Современные инновационные технологии в медицине	205
54.	Эрназаров О.Э. Теоретические аспекты влияния инвестиций и инноваций на экономической рост	209
55.	Гаппарова М. Бўлажак педагогларга инновацион бошқарув маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш омиллари	214
56.	Abdullayev Y.Z. XXI asrda ilm-fan taraqqiyotining rivojlanish istiqbollari va ularda innovatsiyalarning tutgan o'rnı.	217
57.	Нигматуллаева Г.Н. Прогнозирование региональной инновационной системы	220
II ШЎББА		
БУХОРО ВИЛОЯТИ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САЙЁҲЛИК (ТУРИЗМ) БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ		
58.	Ахмедова С.А., Авезханов Э. Профессиональные умения и навыки специалиста по оздоровительному туризму	225
59.	Амиров А. Жаҳон туристик бозорида агротуризмнинг роли ва ўзбекистонда ривожлантириш йўллари	226
60.	Асқарова Ш. Инновацион ривожланишда такрор ва унинг турли тизимли тилларидаги аҳамияти	233
61.	Akhrova N. Motivations for travelling in youth tourism.	236
62.	Аширова Э. Анализ современного состояния туристической отрасли в японии	239
63.	Ашуров Ш.С. Economical and touristical bases of innovative development in bukhara region	243
64.	Бекжанов Д.Й. Туристик дестинацияни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	246
65.	Бобожонов. Ш.У. Бухорода зиёрат туризми имкониятлари	250
66.	Бобожонова Ф.Х. Туризм салоҳиятини кўтаришда мадрасаларнинг роли	253
67.	Болтаев Б., Бахтиёр Б. Замонавий инновацияларнинг музей соҳасини ривожлантиришдаги ўрни	256
68.	Ғайбуллоев Б. Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг вилоятни иқтисодий ривожлантириш ва сайёҳларни жалб этишдаги роли	259
69.	Juraqulova S.B. O'zbekiston innovatsion taraqqiyot yo'lida iqtisodiyot va turizm sohasining bugungi istiqbollari.	262
70.	Yo'ldoshev Q. Bolalarda vatan tuyg'usini shakllantirishda oilaviy turizmni o'rnı.	266
71.	Комилжанов Ш.И. Проблемы развития делового туризма в республике узбекистан (на примеры область Бухара)	269

“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ

<i>Муҳаррир:</i>	<i>Ғ.Муродов</i>
<i>Техник муҳаррир:</i>	<i>Г.Самиева</i>
<i>Мусахҳиҳ:</i>	<i>М.Рахимов</i>
<i>Саҳифаловчи:</i>	<i>М.Арслонов</i>

Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 31.01.2020. Бичими 60x84. Кегли 12 shronli. «Times New Roman» гарн. Офсет босма усулида. Офсет босма қоғозида.
Босма табағи 76,6. Адади 100. Буйуртма № 101.

“Шарқ-Бухоро” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2-уй
Тел: (0365) 222-46-46.